

ТЕМИР ЙЎЛ КОРХОНАЛАРИДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА

натижада электр энергия харажатлари 30 фоизга қисқариши кутилмоқда

Давоми. Бошланниши 1-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ АСОСИДА
ТЕМИР ЙЎЛ БИНОЛАРИГА ҚҮЁШ
ПАНЕЛЛАРИ ҮРНАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги "Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самараордигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чоратадибрлар тўғрисида"ги ҳамда 2020 йил 10 июлдаги "Иқтисодиётнинг энергия самараордигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилиг-энергетика маҳсулотларига қарамаглини камайтишига доир кўшичма чора-тадибрлар тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ 2022 йилдан бошлаб "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти тасарруфидаги корхоналарда, шаҳар, вилоят ва туманларнинг чекка-чекка худудлардаги тармоқ масканларида ҳам қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш мақсадида кўёш панелларини ўрнатиб, электр энергиясини олиш йўлга кўйилмоқда.



Хусусан, ўтган йилнинг ўзида "Тошкент йўловчи вагонларни қўриш ва таъмиrlаш заводи" акциядорлик жамиятияга 16 кВт, "Эйваклемхакустемирбетон" унитар корхонасига 20 кВт, Мискин электр таъминоти масофасига 7,5 кВт, "Қулов-механика заводи" шўъба корхонасига 2 кВт, Тошкент темир йўл техникумiga 11 кВт, "Андикон механика заводи" шўъба корхонасига 2 кВт ҳамда Самарканд темир йўл техникумiga 5 кВт кувватли қўёш панеллари ўрнатилди. Шунингдек, қўёш сув иситиш мосламаларидан иссиқ сув олиш мақсадида "Ўзбекистон" локомотив депосига 3 та, "Термиз" локомотив депосига 1 та, Қарши электр таъминоти масофасига 1 та, "Ўзтемирйўлқурилишмонтаж" унитар корхонасига 4 та, "Темирйўленингтиъмин" бошқармасининг ёқилги кўйиш ва сақлаш бўлимларига 7 та, "O'ztemiryo'lyo'lovchi" акциядорлик

жамиятияга 8 та, Тошкент темир йўл техникумiga 5 та ҳамда Самарканд темир йўл техникумiga 3 та қўёш сув иситиш мосламалари ўрнатилди.

**МАҚАЗИЙ АППАРАТ
БИНОЛАРИГА 620 кВт ҚҰВВАТГА
ЭГА ҚҮЁШ ПАНЕЛЛАРИ
ҮРНАТИЛДИ**

2023 йил режасига мувофиқ қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш юзасидан 2022

йил 16 октябрда "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятиянинг Ишларни бошқариш дирекцияси томонидан марказий аппарат маъмурий биноларига қўёш панелларини ўрнатиш мақсадида электрон кооперация портали орқали 620 кВт куввати учун "Sun Hightech" масъулияти чекланган жамияти билан шартнома тузилган эди. Унга кўра хозирги кунгача марказий аппаратнинг маъмурий биноларига 620 кВт кувватли қўёш панеллари ўрнатилиб, ишга туширилди.

Айни пайдада марказий аппарат

Рустам ҲАЙДАРОВ

ҲАМКОРЛИК

"Российские железные дороги" масъулияти чекланган жамияти Соғлиқни сақлаш марказий дирекцияси раҳбари Е.Жидкова бошчилигидаги делегация "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти Соғлиқни сақлаш хизмати фаолияти билан яқиндан танишиш ва ҳамкорлик қилиш мақсадида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти Марказий клиник касалхонасига ташриф буюрди.

РОССИЯ ТЕМИР ЙЎЛ ТИББИЁТИ ХОДИМЛАРИ ТАШРИФИ



Делегация аъзолари шифохонанинг диагностика, отолорингология, кардиология, офтальмология ва жарроҳлик бўйимлари ҳамда темирйўчилар ва ахолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам, замонавий тиббий аппаратлар, беморлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиши.

Даволаш-профилактика мусассаларида олиб борилаётган машинистлар учун ўтказиладиган рейсдан олдинги ва кейинги тиббий кўриклар, профилактика, ташхислаш ва даволашнинг янги консерватив ва оператив технологиялари, замонавий диагностика ҳамда диспансеризация ишлари ҳақида фикрларни билдиришибди. Ўз навбатида, Е.Жидкова ўзбекистонлик ҳамкасларига "Российские железные дороги" масъулияти чекланган жамияти Соғлиқни сақлаш марказий дирекцияси фаолияти тўғрисида гапириб берди.

Ташриф давомида келгусида темирйўчилар ва ахолига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, хусусан, шифокорлар малакасини ошириш, улар билан ўзаро тажриба алмашиш ҳамда телетибиёт соҳасини ривожлантириш каби муҳим вазифалар доирасида иккى томонлама ҳамкорлик қилиш бўйича келишиш олиниди.

БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИ ТЕМИРЙЎЛЧИ ФАРЗАНДЛАРИНИ КУТМОҚДА

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти тасарруфидаги "Қибрай", "Янги Авлод", "Бурчи-мулло", "Темирйўлчи", "Оловуддин" болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ҳамда "Қўнғирот" санаторий-профилакториисида 2023 йилги ёз мавсумига жиддий тайёргарлик кўрилди.



Жорий йилнинг ёз мавсумида темир йўл тасарруфидаги болалар оромгоҳларида режага кўра темирйўлчи фарзандларининг 7 ёшдан 14 ёшга бўлган 5 минг 380 нафари 12 кундан навбатларга бўлинниб, согломлаштирилди, – дейди Ўзбекистон темирйўчилари ва транспорт курувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши бўлим мудири Лола Мерганова. – Эътиборлиси, Оролбўй минақасидаги Қорақалпоғистон Республикасида ишлаётган ва яшовчи темирйўчилар фарзандлари "Қўнғирот" санаторий-профилакториисида ёз мавсуми давомида 5 навбатда, ҳар навбатда 100 нафардан, жами 500 нафар болаларни, шунингдек, олис худудларда темир йўл тизимида болалар согломлаштириш оромгоҳлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли темир йўл ходимлари фарзандларига ўз худудларида жойлашган оромгоҳларга 1 минг 620 та йўлланма харид қилиниши кўзда тутилган.

Шунингдек, "Қарши минақавий темир йўл узели" унитар корхонаси ишчи-ходимларининг 400 нафар фарзанди "Мирзо Улугбек" оромгоҳида, "Термиз минақавий темир йўл узели" унитар корхонаси ишчи-ходимларининг 400 нафар фар-

занди "Хонжизза" оромгоҳида, "Бухоро минақавий темир йўл узели" унитар корхонаси ишчи-ходимларининг 700 нафар фарзанди "Дўстлик" оромгоҳида ҳамда "Қўнғирот минақавий темир йўл узели" унитар корхонаси Хоразм худуди ишчи-ходимларининг 120 нафар фарзандини "Жайхун қўёши" оромгоҳида согломлаштириш режалаштирилган.

Ез мавсуми бошланнишинг 1-навбати жорий йилнинг 5 июнidan бошланади.

Сўнгги навбат эса 11 августда якунланиши кутилмоқда.

Хозирги кунда хўжалик ишлари, ободонлаштириш, бино ва иншоотларни таъмиrlаш ва бошқа ишлар якунига етказилди.

Болаларни қабул қилиш учун худудий санитария-эпидемиология осойишталик марказининг ўрганиши холосасига асосан, жойларда тузилган маҳсус комиссияларнинг мав-





КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

ОИЛАВИЙ МУСОБАҚА – БОЛАЛАР УЧУН ХАҚИҚИЙ БАЙРАМДИР

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ва тасарруфидаги миңтақавий темир йўл узелларида, корхона ва ташкилотларда темирйўлчилар фарзандларини хурсанд қилиш учун турли дам олиш масканларига йўлланмалар берилиб, кўплаб маданий ва спорт тадбирлари ташкил этилмоқда. Байрам тадбирлари соҳа фарзандларига совға-саломлар ҳам ажратилияти.

Ана шундай тадбирлардан бирини кечга Тошкентдаги “Локомотив” марказий спорт клуби давлат мусасасида ҳам бўлиб ўтди. Ўнда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Бошқарма касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан тасарруфидаги корхоналарда меҳнат килаётган 60 нафарга яқин ишчи-ходимлар оила аъзолари ва фарзандлари билан иштирок этди.



ЭНГ ФАОЛ ЁШ МУТАХАССИС ТАНЛОВИННИНГ САРАЛАШ БОСҚИЧИ БУЛИБ ЎТДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси в.б. Х.Хасиповнинг 2022 йил 10 майдаги “Энг фаол ёш мутахассис-2023” танловини ўтказиш тўғрисида”ги 400-Н-сонли бўйруғи икросини таъминлаш мақсадида “Кўнгирот миңтақавий темир йўл узели” унитар корхонаси тасарруфидаги Урганч темир йўл масофасида “Энг фаол ёш мутахассис-2023” кўрик-танловининг йўл хўжалиги йўналишида саралаш босқичи бўлиб ўтди.



Ушбу танлова жами үндан ортиқ корхонанинг ёш йўл бригадирлари ва йўл усталари иштирок этиши. Танловнинг саралаш босқичи голиблари корхона раҳбарияти ва Касаба уюшма қўмитаси томонидан диплом ҳамда эсадлик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, танлов голиблари бўлган йўл устаси Ж.Матёкубов, технология муҳандиси О.Абдулаев ҳамда йўл устаси Х.Юлдашев “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти миқёсида бўлиб ўтадиган якуний босқичга йўлланманни кўлга киритди.

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА БИРИНЧИ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ ТУШУНТИРИБ БЕРИЛДИ


Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти темир йўл миңтақавий ташкилоти ташаббуси билан “Кўнгирот миңтақавий темир йўл узели” унитар корхонаси худудий етакчилар Кенгаши ҳамкорлигига узел ишчи-ходимлари учун “Фавқулодда



Тадбирда дастлаб Бошқарма касаба уюшма қўмитаси раиси Шаҳло Умарова ҳамда “Локомотив” марказий спорт клуби давлат мусасаси директори Малика Сайдхаджаева Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан темирйўлчи фарзандларини табриклаб, Жамиятнинг турли корхоналаридан ташриф буорган ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини спорта жалб этиш, шунингдек, болажонларда силявий спорт мусобақаларида иштирок этиш орқали баҳсларнинг янада қизикарли ўтишини таъминлаш, ва энг мухими, ҳар бир иштирокчидаги соглом турмуш тарзини шакллантириш асосий мақсад эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиши.



ҚИСҚА САТРЛАРДА



Шундан сўнг спорт клуби мутахассислари ва ҳакамлари томонидан иштирокчиларга мусобақа шартлари тушунтирилиб, баҳсларга старт берилди. Дастлаб каттапарлар ўртасида шахмат тури бўйича бирин-кетин голиблар аниқланган. Шундан сўнг темирйўлчиларнинг 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган фарзандлари иштирокида боулинг мусоба-



каси голиблари аниқланди. Ушбу баҳсларда соҳа фарзандлари жуда фаол иштирок этиб, мусобақа кескин курашлар ва қизикарли таасурутлар асосида кечди. Дарто бўйича бўлган турнирда ҳам голиблар учун кураш муросасиз бўлди. Сўнг архон тортиси баҳслари иштирокчилар учун ҳам қизикарли, ҳам ҳаяжонли кечди. Мусобақанинг бу турида финалга 2 та кучи оила жамоаси етиб келди ва сўнгги ҳал қилувчи баҳс жуда ҳаяжонли ўтиб, ниҳоят голибларни аниқланди.

Мусобақанинг 4 та тури бўйича ўтган баҳслар якунинг кўра ҳакамлар томонидан голиблар аниқлангач, Бошқарма касаба уюшма қўмитаси томонидан биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни кўлга киритган темирйўлчи оиласлари жамоаси, боулинг бўйича иштирок этган болажонлар муносиб тақдирланди ва эсадлик совғаларига эга бўлиши.



НА ДОРОГАХ МИРА

ЖЕЛЕЗНОДОРЖНЫЕ ПАССАЖИРСКИЕ ПЕРЕВОЗКИ В МОЛДОВЕ ВЫРОСЛИ НА 42 %

В первом квартале 2023 г. объем железнодорожных пассажирских перевозок в Республике Молдова по сравнению с январем – марта 2022 г. вырос на 42,3 %, составив 180,8 тыс. чел. По данным Национального статистического бюро этой страны, всего за этот период всеми видами общественного транспорта перевезено 67,4 млн пассажиров, что на 30,3 % превышает уровень 2022 г.



Суммарный пассажирооборот всех видов транспорта вырос на 49,6 %, до 1254,2 млн пассажиро км. Наиболее существенно этот показатель поднялся на воздушном (в 2,6 раза) и железнодорожном (почти в 2 раза) видах транспорта.

В то же время в республике имеет место снижение объемов грузовых перевозок. Всеми видами транспорта в январе – марте 2023 г. там было перевезено чуть более 4 млн т различных грузов, что на 12,3 % ниже аналогичного показателя за январь – март 2022 г. Объем перевозок грузов увеличился на воздушном (+49,5 %) и речном транспорте (+10,5 %). Однако грузопоток на железной дороге и автомобильном транспорте сократился соответственно на 12,5 и 12,4 %.

Суммарный грузооборот, выполненный всеми видами транспорта в Республике Молдова, в первом квартале 2023 г. составил 1369,1 млн ткм, что на 4,3 % больше, чем в январе – марте 2022 г. На железнодорожном транспорте этот показатель снизился на 11,8 %, до 232,2 млн ткм.

Доля железнодорожного транспорта в общем объеме перевозок грузов в этой стране по итогам первого квартала 2023 г. составила 20,4 %.

NEWAG ПОСТАВИТ ПОЕЗДА С КОМБИНИРОВАННЫМ ПРИВОДОМ ДЛЯ ПОМОРСКОГО ВОЕВОДСТВА

По итогам тендера, результаты которого были объявлены в апреле 2023 г., между компанией Newag и Поморским воеводством Польши заключен контракт стоимостью 128 млн злотых (28 млн евро) на поставку четырех поездов Impuls 2 (36WEh) с комбинированным тяговым приводом. Поставка запланирована на вторую половину 2024 г. Покупка поездов частично финансировалась в рамках программы поддержки развития и модернизации национальной экономики Polski Ład, для чего региону было выделено примерно 14 млн евро, а также с привлечением средств из фондов ЕС. В феврале 2022 г. подобные поезда заказали Западно-Поморское воеводство.



Поезда смогут развивать скорость 160 км/ч при питании от контактной сети и 120 км/ч при работе от дизеля. Их ввод в эксплуатацию будет способствовать расширению сети удобных для пассажиров беспрерывных сообщений.

Новые поезда будут курсировать по маршрутам Коццежино – Гдыня, Сомонино – Картузы и Глин – Картузы. Поезда оснащены системой информирования пассажиров, туалетами, устройствами видеонаблюдения, беспроводным доступом в Интернет. Обеспечены условия для лиц с ограниченной мобильностью, в том числе в инвалидных креслах. Предусмотрены также места для перевозки велосипедов.

DB НАШЛИ КОРПОРАТИВНОГО ПОКУПАТЕЛЯ ДЛЯ 150 000 ПРОЕЗДНЫХ БИЛЕТОВ

Железные дороги Германии (DB) подписали первый с концерном REWE рамочный договор, который предусматривает приобретение до 150 тыс. месячных проездных билетов Deutschland-Ticket (D-Ticket). Концерн REWE, действующий в сфере продовольственного ритейла и туризма, является одним из крупнейших работодателей Германии и сможет теперь предоставить сотрудникам возможность проезда до места работы, используя D Ticket по выгодной цене – 34,30 евро. Для обычных пассажиров этот проездной билет стоит 49 евро.



В настоящее время DB ведут переговоры более чем с 1000 компаниями и организациями, которые заинтересованы в приобретении аналогичных проездных со скидкой.

Впервые месячные проездные билеты D Ticket были введены на ограниченный срок по цене 9 евро летом 2022 г. Это привело к рекордному росту пассажиропотока и многочисленным сбоям перевозочного процесса, обусловленным перенаселенностью поездов. Билет Deutschland-Ticket дает возможность без ограничений пользоваться пассажирскими поездами местных и региональных сообщений железных дорог Германии.

В 2022 г. был подписан контракт на поставку для Поморского воеводства двух электропоездов Impuls 2 постройки компании Newag с опцией на 29 ед.




По материалам интернета

SAYOHAT QILING!

UEFA CHAMPIONLAR LIGASINING G'OLIBI ISTANBULDA ANIQLANADI

KATTA FINAL OLDIDAN ISTANBULNI
KASHF QILISHGA TAYYORMISIZ?



2023-yil 10-iyun kuni Istanbulning Ostatruk Olimpiya stadionida bo'lib o'tadijan, dunyoning eng muhim sport tadbiralaridan biri bo'lgan UEFA Championlar Ligasi final o'yiniga ham sanoqli kunlar qoldi.

Qiziqarli madaniyat va san'at hayoti, mazali taomlari, tarixi manzillari, noyob shahar me'morchiligi, yorqin tungi hayoti va keng ko'lami xarid qilish imkoniyatlari bilan Istanbul futbol muxlislariga unutilmas sayohatni va'da qilmoqda. Yakuniy o'yin oldidan dunyoning eng hayratlanarli joylaridan biri bo'lgan ushbu dinamik metropolda bir hafta vaqt o'tkazishingiz orqali siz Istanbulni barcha tajribalari bilan kashf qilishingiz mumkin.

CHEMPTIONLAR FESTIVALI

UEFA Championlar Ligasi finaliga bag'ishlangan Championlar festivali 2023-yil 8-11-iyun kunlari Istanbuldagi Yenikapi festivallar maydonida tashkil etildi. Turkiyaning rasmiy turizm targ'ibot platformasi GoTurkije shu kunning o'zida ChrisLuno B2B Seaus, Guillaume de Kadebostani va Lost Frequencies ishtirokida 2 DJ lar guruhiga mezonlik qiladi.



O'TMISHNING BOY MEROsi BO'LGAN TARIXIY BINOLARI

Istanbul o'zining ko'p madaniyatligi, o'ziga xosligi va boy tarixini aks ettiruvchi tarixiy obidalari va me'morchiligi bilan dunyo bo'ylab minglab sayyohlarni o'ziga jalg etadi. Tarix davomida ko'plab sivilizatsiyalarga vatan bo'lgan bu shahar strategik joylashuvli tufayli turli davr va madaniyatlar izlarini aks ettirgan minglab tarixiy binolarga ega. "Tarixiy yarim orol"da shaharning bir qancha mashhur binolari joylashgan.

Istanbul minoralari ham diqqatga sazovor joylardir. Galata minorasi, Istanbul siluetidagi mashhur inshoot, kuzatuv maydonchasiidan shaharning ajoyib panoramik manzaralarini taqdim etadi. Boshqa tomonдан Bosforming timsoli bo'lgan Qiz qal'asi tashrif buyuruvchilarga go'zal Istanbulni butunlay boshqa nuqtai nazardan tomosha qilish imkonini beradi.

SAN'AT VA MADANIYATNING NOYOB UYG'UNLIGI

Boy tarixiy merosi bilan tanilgan Istanbul, davrning madaniy dinamikasini an'analar bilan uyg'unlashtirgan muzeylari, zamonaviy san'at galereyalari, madaniyat markazlari, nomdor san'atkor va dizaynerlar mehnemoni bo'lgan ko'chalari va konservt maydonchalarini bilan mashhurdir. Istanbulga tashrif buyurushidan oldin Ostatruk madaniyat markazi (AKM) va Santral Istanbul kabi zamonaviy san'at markazlarining iyun taqvimlarini tekshiring, turli shou va tadbirlar uchun joy ajrating. Pera muzeyi, Atlas kino muzeyi, Istanbul Modern kabi muzeylarni ziyorat qilib, zamonaviy san'at nafasini his qilishingiz mumkin.

UNI KASHF QILGAN HAR BIR KISHINI HAYRATGA SOLUVCHI TAOM MADANIYATI

Mohir oshpazning dasturxonidagi eng oddiy, ammo eng mazali taomlardan tortib, Istanbul har bir nozikta'b xo'randa uchun haqiqiy mo'jizadir. Bu esa Istanbulni dunyoning eng yaxshi gastro-shaharlardan biriga aylantiradi. Istanbulning asrlar davomida mezonlik qilgan turli madaniyatlar tomonidan shakllantirilgan maxsus turk oshxonasi bu shaharni ziyorat qilishning asosiy sabablaridan biridir.

HAQIQIY XARID ZAVQI

Tarixiy bozorlari, hashamatli nomdor butiklari va dizaynerlik do'konlari bilan Istanbul tashrif buyuruvchilarga boy xarid tajribasini taqdim etadi. Grand Bazaar va ziravorlar bozori kabi tarixiy xarid qilish majmulariga tashrif buyurib, shaharning qadimiy muhitini his qilishingiz va haqiqiy qo'lda ishlangan gilamlar, sopolli koshin buyumlar va an'anaviy hunarmandchilik kabi suvenirlarni xarid qilishingiz mumkin. Shuningdek, Taksim va Nishantashida dunyoga mashhur dizaynerlarning so'nggi urfdagi takrorlanmas asarlarini xarid qilishingiz mumkin.



MUASSISLAR:

"O'zbekiston temir yo'llari"
aksiyadorlik jamiyatni,
O'zbekiston temiro'yichilar
va transport quruvchilari
kasaba uyushmasi
Respublika Kengashi

Tahir kengashi:

Ramatov A.J.
Xasilov X.N.
Sabirov Q.S.
Yusupov J.Z.
Baltabayev A.A.

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida A-2 hajmda chop etildi. Hajmi 2 bosma taboq. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1-IYUN – XALQARO BOLALARINI HIMoya QILISH KUNI

BOLAJONLAR UCHUN "QUVNOQ STARTLAR" MUSOBAQASI TASHKIL ETILDI



1-iyun – Xalqaro bolalarini himoya qilish kuni munosabati bilan O'zbekistonda o'tkazilayotgan "Har bir bolaga mehr, e'tibor!" shiori ostidagi maxsus haftalik jarayonida "Buxoro mintaqaviy temir yo'l uzeli" unitar korxonasi boshlang'ich Kasaba uyushma tashkiloti tomonidan "Quvnoq startlar" sport musobaqalari tashkil qilindi.

Unda uzel tasarrufidagi korxonalarda mehnat qilayotgan ishchi-xodimlarning 7 yoshdan 10 yoshgacha bo'lgan 50 nafardan ortiq farzandi ishtirok etdi. Bolajonlar sport musobaqasida to'p to'p almashitirish, to'siqlar estafetasi, chaqqonlar juftligi, halqalar orasidan o'tish hamda yosh futbolchilar yo'naliishlari bo'yicha g'oliblik uchun bahashishdi.

– "Quvnoq startlar" sport musobaqasini o'tkazishdan ko'zlangan maqsad o'sib kelayotgan yosh avlodni jismoniy va ma'naviy jihatdan barkamol bo'lib o'sishini ta'minlash hamda ularni o'zlariga bo'lgan ishonchini yanada oshirishdan iborat, – deydi uzelning boshlang'ich Kasaba uyushma tashkiloti raisi M.Hakimov. – Ushbu qiziqarli va

hayajonli o'tgan bahslarda soha xodimlari farzandlarining har biri mehr va e'tiborga ega ekanliklarini his qilib, katta taasurot olishdi.

Musobaqa yakunida ishtirokchilar va g'olib bo'lgan bolajonlar "Buxoro mintaqaviy temir yo'l uzeli" unitar korxonasining boshlang'ich Kasaba uyushma tashkiloti tomonidan esdalik sovg'alari bilan taqdirdi.

SPARTAKIADA G'OLIBLARI ANIQLANDI

"Ko'priqurilish tresti" unitar korxonasi va Birlashgan kasaba uyushma qo'mitasi rahbariyati tomonidan trest tizimidagi korxona va tashkilotlarda mehnat qilayotgan xodimlarni ommaviy sportga keng jalb etish, bu orqali mehnat jamoalarida sog'gom turmush tarzi barqarorligini ta'minlashga katta ahamiyat qaratiladi.

Har yili soha xodimlari va ularning oila a'zolari o'tasida tashkil etiladigan an'anaviy spartakiada va turnirlar, ollaviy sport musobaqalari fikrimiz dalili bo'laadi.

O'tgan hafta "Lokomotiv" markaziy sport klubi davlat muassasasida 1-iyun



– Xalqaro bolalarini himoya qilish kuni munosabati bilan bo'lib o'tgan spartakiada musobaqalarida "Ko'priqurilish tresti" unitar korxonasi va tasarrufidagi tashkilotlarda mehnat qilayotgan ishchi-xodimlar oиласи bilan ishtirok etishdi.

"Ko'priqurilish tresti" unitar korxonasi va Birlashgan kasaba uyushma qo'mitasi, Yoshlar ittifoqi hamda Xotin-qizlar qo'mitasi hamkorligida tashkil etilgan bu galgi musobaqada trest qoshidagi korxonalarindan jami 20 nafar ishchi-xodimlar oиласи bilan farzandlari bilan 70 nafardan ortiq ishtirokchi sportning estafeta shaklidagi yugurishning tezlik, ephchilik, paravoz hamda bouling sport turlari bo'yicha bellashishdi.

Musobaqa jarayonida ishtirokchilar va ularning farzandlari uchun bayram dasturxonasi ham tashkil etildi.

Bahslar davomida barcha ishtirokchilar yugori kayfiyatda bo'lib, shijoat ko'rsatishdi. Bu esa sport tadbirlariga puxta tayyoragarlik ko'rilganidan dolalat beradi.

– 1-iyun – Xalqaro bolalarini himoya qilish kungi bag'ishlab o'tkazilgan ollaviy musobaqa temiryo'lichilarning farzandlari uchun haqiqiy bayram musobaqasiga aylandi, – deydi "Ko'priqurilish tresti" unitar korxonasi Birlashgan kasaba uyushma qo'mita raisi Bayram Abdullayev. –



Manzilimiz: 100047, Toshkent sh., Amir Temur shohko'chasi, 4-uy.

Bosh muharrir: (71) 236-48-54

Qabulxona: (71) 236-48-92

Muxbirlar: (71) 236-48-71

Faks: (71) 236-48-53

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0139-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida sahifalandi
ISSN: 2181-6158

Buyurtma G-633 Boshishga topshirildi: 19:30

1 2 3 4 5 6

Adadi: 3700